

ХОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙНИНГ “АБДУЛЛАНОМА” АСАРИ” МЕДИАЛОЙИҲАСИ

(лойиҳа раҳбари: Юлдуз; иштирокчи: т.ф.н. Ҳ.Лутфиллаев)

Хофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» («Шарафномайи шоҳий») асари Марказий Осиё халқларининг XVI асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда катта ўрин тутади ва фактик материалларга бойлиги, тарихий воқеаларни атрофлича ёритиш билан ўша даврнинг бошқа тарихий асарларидан тамоман ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу асар қўпдан буён олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Асар муаллифи бухоролик машҳур шоир ва иарихчи Хофиз Таниш ибн Мирмуҳаммад ал-Бухорий бўлиб унинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар унчалик кўп эмас. “Шарафномайи шоҳий”нинг муқаддимасида ва ўша даврларда яратилган айрим тазкираларда муаллиф ҳақида қисқача тафсилотлар мавжуд. Уларда айтилишича, Хофиз таниш Бухорий ва унинг отаси Мир Муҳаммад Шайбоний ҳукмдорларига яқин бўлган. Буни нақшбандия тариқатининг намоёндаларидан бири Махдуми Аъзам Косоний (хожа Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний; 1462—1542)нинг ҳаёти ва фаолияти- га бағишлиланган «Жомеъ ул-мақомат» да ёзилишича, шайбоний Убайдуллахон (1534—1539) саройида хизматда бўлган; XVI асрнинг 50-йиллари бошида Кошғарга кетиб қолган ва орадан икки йил ўтиб ўша юртда қазо қилган. Хофизи Таниш Бухорий 1583 йили Абдуллахон II нинг хизматига кирган ва умрининг охиригача шу хоннинг ҳузурида воқеанавис бўлиб хизмат қилган. Олимнинг туғилган йилини баъзи фактларга таяниб аниқ- ласа бўладн, лекин вафот этган йилини аниқлаб бўлмади. «Шч- рафномайи шоҳий*да мана буларни ўқиймиз: «...Абулғозий Абдулла Баҳодирхон, тангри таоло унинг подшоҳлигини, сал- танатини абадий қилиб, фарқадон¹ дан [ҳам] баланд қилсин, Мовароуннаҳр мамлакатини зўр билан ўзига бўйинсундирди ва шарқ

¹ Фарқадон — Шимолий қутб яқинидаги икки ёруғ юлдуз.

куёшчдек адолат ва имсонпарварлик соясини ўша мам- лакатнинг илм аҳллари бошига туширди. Фахрланишга муно- сиб Бухоро шаҳарини халифалик тахтининг оромгоҳига айлан- тирди... [Уша пайтда} факиру ҳақирнинг ёши ўттиз олтйда эди». Маълумки, Абдуллахон Бухорони 1557 йили эгаллаган. Ле- кин Мовароуннахр фақат XVI асрнинг 80-йиллари бошида ба- тамом Абдуллахон қўлига ўтди. Бунга қараганда, Ҳофизи Таниш Бухорий Абдуллахоннинг хизматига у отаси ўрнига тахтга ўтқазилган йили— 1583 йили хоннинг яқин кишиси Қулбобо Кўкалтошнинг воситачилиги билан кирган. Агар у ўша пайтда 36 ёшда бўлса, унда Ҳофизи Таниш 1547 йили тугилган бўлиб чиқади.

Ҳофизи Танишнинг қачон вафот эггани маълум эмас. Маш- ҳур адабиётшунос олим ва шоир Мутрибий «Газкират уш-шуа- ро» асарида «Жаноби Ҳофизи Таниш уламо жумласидандир. У Маҳдумий Ҳасан хожанинг тазкирасида тилга олинади. Юқо- рида зикр этилган Ҳофизнинг ога-инилари унинг вафотидан кейин хотинини қандаидир жиноят қилганликда аиолао унга даъвогар бўлганлар ва олий фармонга кўра унинг Бухоро ми- норасидан ташлаб юборилишига эришганлар, деган миш-мишлар бор» деб ёзган. Бундан чиқадики, Мутрибий тазкирасини ёзиб тамомлаган йили (1604) Ҳофизи Таниш ҳаёт бўлмаган.

Шу ўринда яна бир далил муҳим аҳамият касб этади. Ҳофизи Таниш бошда «Шарафномайи шоҳий» асарини муқаддима, икки мақола ва хотимадан иборат қилиб ёзишни режалаштир- ган эди. Муқаддима ва ҳар иккала мақола ёзилган (асарда баён этилган сўнгти воқеа Абдуллахон тарафидан Ҳиротнинг олинишидир, 1588 йил). Лекин хотима ёзилмай қолган. Муал- лиф бошда тузган режага кўра, хотимада Абдуллахоннинг мақ- товга муносиб спфатлари, унинг замонида ўтган шайхлар, ва- зирлар, амирлар, шоирлар, олимлар, шунингдек Абдуллахон даврида қурилган олий бинолар ҳақида ҳикоя қилиниши ке- рак эди. Шунга қараганда, Ҳофизи Таниш 1590 йиллари олам- дан ўтган. Агар ҳеч бўлмаса у Абдуллахонгача тирик бўлганда асарнинг бу муҳим қисми ҳам ёзилган бўларди.

Ҳофизи Таниш Бухорий оғир бир замонда, яъни Мовароун- нахрда феодал тарқоқлик кучайган, Абдуллахон II нинг мам- лакатни бирлаштириш ва марказий давлат аппаратини мус- таҳкамлаш учун тинимсиз урушлар олиб борган бир замонда ҳаёт кечирди. Олим буни мана бу ибораларда ифодалайди: «Ҳар тарафдан тескари шамол эсади. Ҳар бу рчакдан фитна гарди осмонга кўтарилади. Ҳар куни жигарни ўртайдиган олов ёқиларди. Ҳар замон бало тӯфони юқори кўтарилади. Соғу саломатлик анқодек² маҳфийлик пардаси остига яширин- ган эди. Тинчлик ва хотиржамлик кибрити ахмар³ ва ақлу ху- нарнинг ривожкоридек кўринмай кетганди. Омонлик ва тўғри- лик жаҳондан нафратланиб, интизом ҳам жамият юлдузлари тўдасидагина чегараланиб қолганди» («Шарафномайи шоҳий», 1-жилд, 38-бет).

А-сар мазмунига ўтишдан аввал шуни ҳам айтиш керакки, Ҳофизи Таниш Бухорий, замон тақозосига кўра, асарда маъ- лум даражада ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини ифода қилишга ҳаракат қилган, хон ва унинг атрофидаги асл- зодаларни, бойлар ва нўёнларни кўкларга кўтариб мақтаган, меҳнат.каш халқнинг ҳол-ахволи бўлса кўп ўринларда сояда қолпан. Лекин асар фактик материалга бой, воқеалар озми-кўп- ми объектив ёритилган, айрим ўринларда хонлар, султонлар ва амирларнинг баъзи хислати ва характеристи ҳам очиб берилган. Масалан, олим Абдуллахонпинг бобоси Жонибек султон ҳақи- да гапирадар экан, уни мўмин-мусулмон, динпарвар ва одил бир киши сифатида таърифлайди-. «[У], шундай динпаноҳки, - деб ёзади Ҳофизи Таниш Бухорий, — дин ҳукмларини танқид қи- лиш [ва] саййид мурсалиннинг (ҳазрати пайғамбаримизнинг) «шаръий амр-фармонларшш [мўмип-мусулмонларга] етказиш ишини тўла бажо келтирадп; ҳукумат ва снёсат ишларини қув- ватлаш ва ижро этишда ошпқас эдп. Лекин жаҳлп чиққан ■ пайтларда ихтиёр жилови [ушшг] ҳапрат ва ғурур қўлидан тушарди; [лекин] тоГашлувчлариинг хатолари усигига афву ка- ромат этагини ёпарди» («Шарафномагаш шоҳий» 1-жилд,

² Анко — номи бор, лекин ўзи йўқ бир афсонавий қушнинг номи.

³ Кибрити ахмар — кизил олтингурут; иксир.

113- бет). Мұхими шундаки, олпм тож-тахт соҳибларини адлу-ин- ; соғға чақиради: «Бу дупё ўтнб кетувчн сөядир, [чунки] соя го* олдинда, гоҳ орқада бўлади. Имкоиият борида [одамларга) яхшилик қил. [Вилгилки] ҳамма вақт [ҳам бунга] имкон бўла- вермайди. Жаҳонда агар [бир] захира талаб қилсанг, яхши ном [энг] яхши заҳирадир» («Шарафномайи шоҳий», 1-жилд 98-бет).

Хуллас, «Шарафномайи шоҳий» йирик шоҳ асар бўлиб, унЯ Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой» ва Рашидиддиннинг «Жо- : меъ ут- таворих» асарлари қаторига қўйса арзийди. Йирик шарқшунос олим В. В. Вельяминов-Зернов жуда тўғри айтганидек, «Шарафномаи шоҳий» устида қанча қўп ишласанг, унда ўрганиш лозим бўлган шунча қўп янги фактлар очилади! : Шунинг учун ҳам бу асар қўп вақтлардан бери шарқшунос олимларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келаётир. Ўз вақтида асар ҳақида В. В. Вельяминов-Зернов, академик В. В. Бартольднинг шогирди Л.А.Зимин, Содик Мирзаев, М.А.Салоҳиддинова, Н.Сайфиев, инглиз олимлари Г.Эте, Ч.А.Сторилар ўз фикрларини айтиб ўтишган. В.В.Вельяминов-Зернов, Л.А.Зимин, Содик Мирзаев ва М.А.Салоҳиддиновалар асарнинг бир қисмни рус ва ўзбек тилларига таржима ҳам қилган эдилар. В. В. Вельяминов-Зерноанинг таржимаси (у асарнинг жуда оз қисмини ташкил этган) чоп этилмаган. Л. А. Знмин- нинг таржимаеи эса, И. И. Умняковнинг сўзларига қараганда, 1918 йили қисман Тошкентда чоп этилган, лекин олимнинг тез орада Узбекистондан кетиб қолиши натижасида бу иш тўхтаб қолган. В. В. Бартольд 1924 йили Л. А. Зиминнинг таржимаси ва «Шарафномайи шоҳий» ҳақидаги материалларини тўплаб нашр қилиш зарурлигии айтган эди. Афсуски, бу иш ҳам амал- га оширилмади. Содик Мирзаев ва М. А. Салоҳиддинова асар- нивг тўртдан бир қисмини ўзбек ва рус тилларига таржима қи- либ улгурдилар, унинг шу кунгача факат I—II жилдларигина чоп этилди, холос.

«Шарафномайи шоҳий» саж (қофиялашган наср) билан ёзилган, тили ва услуби бирмунча оғир. Олим турли ўхшатиш ва исгиоралардан кенг фойдалангаи. Бир-икки мисол келтира- миз: [«Юнусхон) содиқлик ипини

тугиб, уни ўзига боғлади» (уйланди демоқчи). «...боғу рог сахни етти хил ранглик либо's кийиб, тоғу сахронипг сирти чинпий нақшлик хонапинг рашкини келтирадиган бўлганда...» (эрта баҳорда). «...уннинг буюклик ва улуғлик офтоби... [ўзпинпг] мах()ип ппрдасига яширииди; умид ва орзулари фалокат офтобиппг шаҳодат магрибига ботди» (ўлди демоқчи). - Бундан ташқари, асарда оят, ҳадис, турли араб иборалари -(мақоллар) ҳам кўп. Ҳофизи Таниш ҳамма жойда воқеаларня иаср ва назм билан берган. Шеърлар (тўртликлар, маснавий- аар, қитъалар, марсиялар) нинг кўпчилиги муаллифнинг қала- мига мансуб бўлиб, зўр маҳорат ва санъат билан ёзилган. Баъ- аилари бошқа шоирлар, хусусан Мушфиқийга тегишлидир.

Муаллиф асарни ёзишда хон саройида юритилган маҳсус кундаликлар, ишончли ва воқеаларнинг шоҳиди бўлган киши- аар оғзидан ёзиб олинган маълумотлардан фойдаланган. Бир- икки мисол. У 1551/52 йили Абдуллахон билан Наврӯз Аҳмад- хон (Бароқхон) ўрталарида Косон (Қашқадарёга қарашли Ко-сон) ёнида бўлгаи уруш тафсилотини баён этаркан, уни «ўша⁵ воқеа тепасида бўлган ва [уни] ўз кўзи билан кўрган бир гу- рух одамлардан эшитдим», деб ёзади. Яна ўша Абдуллахон- нинг Наврӯз Аҳмадхоннинг ўғли Дўстим султон билан Фороб ёнида 1554 йили қилган уруши тафсилоти ҳам ўша уруш қат- : нашчиларининг маълумотига асосланган. Ҳофизи Танишнинг ахборотчилари кўпроқ кекса ва хоннинг яқин кишилари бўлган: «Ушбу сатрлар муаллифи ул ҳазратнинг (Абдуллахоннинг) эски паҳлавонларидан бўлган мулла Келдишдан шуни [ҳам] эшитган эдимки...». Асарда баён этилган кўп воқеадар муаллиф- нинг иштирок этган ва ўз кўзи билан кўрган воқеалардир. Манбаларнинг бу қадар ишончли бўлиши, шубҳасиз, асарнинг қимматини оширган.

Асар муқаддима ва икки қисмдан иборат (асарнинг иккинчн талқинида ҳар иккала қисм (мақола) қўшиб юборилган).

Муқаддимада Абдуллахоннинг наслу насаби, унинг ўша за- моннинг йирик руҳонийларидан хожа Муҳаммад Исломга му- ридлиги, Чингизхон,

Жўчихон, Муҳаммад Шайбонийхон ҳақида, шунингдек Мовароуннахрнинг XV аср охири ва XVI аср бош- ларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақида қисқа маълумот кел- тирилади.

Биринчи мақола Мовароуннахр, Жанубий Туркистон (ҳо- зирги Афғонистоннинг шимолий қисми) ва Хурсонда 1557— 1583 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалпр, яъни Абдуллахон II давлатининг зухуридан то Абдуллахопгпг хонлик маснадига ўлтириши ва ўз номига хутба ўқитиб, гуд зарб эттиришигача кечган катта даврни ўз ичига олади. Маълумки, бу давр ичида Абдуллахон II ўзаро феодал урушлар орқасида майд-майд қисмларга бўлинниб кетган Мовароуннахрни ўз туғи остига бир- лаштириб, марказий давлат тузиб олишга муваффақ бўлди.

Иккинчи мақола 1583—1588 йиллар, яъни Абдуллахон II нинг тахтга ўлтиришидан то Ҳиротнинг узоқ муддат давом эт-. ган қамалдан сўнг шайбонийлар қўшини тарафидан фатҳ эти- лишигача бўлган даврни ўз ичига олган. Шу давр ичида кеч- ган тарихий воқеалар батафсил ва атрофлича баён этилган.

Асарда тарихий воқеалар баёпи билап бир қаторда Бухоро хонлигининг ижтимоий-иктисодий ақвони, маданий ҳаёти, Шай- бонийлар давлати ва қўпштининг тузнлиши, Бухоро хонлиги- нинг Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон ва Русия давлатлари билан олиб борган сиёсий ва савдо алоқалари ҳа- қида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган.

Хонликнинг ижтимоий-иктисодий аҳволи борасида келти- рилган маълумотлар орасида «иктоъ», «суюрғол», «танҳо» ва «жогир» феодал институтлари, улус тартиби ва унинг ижти- моий-сиёсий ҳаётдаги моҳияти ва ўрни, аҳолидан йифиладиган турли-туман солиқ ва жарималар: хирож (мол), ихрожат, та-ғор, улуфа, қўналға, бегор, мадади лашкар, бож, тамға, таисуқот, тухфа (совғот, тортиқ, ҳадя) ва х. к. маълумотлар, шу- нингдек ҳарбий- феодал зодагонлар ҳаётида катта ўрин тутган ҳарбий ўлжа ҳақидаги маълумотлар алоҳида қимматга эгадир. Қўшни юртлар ва халқлар устига тез- тез уюштириб турила- диган урушлар ва бундай урушларнинг феодал

жамиятда тут- ган ўрни ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Асарда хонлар, йирик феодаллар тарафидан Жиззах, Насаф, Ҳисори Шод- мон ва Жайхуннинг сўл қирғоғидаги вилоятлардаги қўриқ ер- ларнинг маҳаллий аҳолини сафарбар қилиш йўли билан (мар- дикор ишлатиш йўли билан) ўзлаштирилиши, шаҳар, сув ом- борлари, сардобалар қурилиши ҳақида ҳам маълумотлар кел- тирилади. Шунингдек, ҳунармандчиликнинг умумий аҳволи ҳа- қида- ҳам кўп муҳим маълумотлар учратамиз.

Асарда' Шайбонийлар давлатининг тузилиши ҳақида ҳам муҳим маълумотлар учратииг мумкин. Масалан, марказий дав- 'лат аппарати — девонлари турли-туман мансабдорлар: оталиқ, нақиб, вазири аъзам, вазир, девонбеги, мушриф, хазиначи, ши- ғовул, эшик оғабоши, парвоначи, садр, мирохур, чухра оғаси, тавочи, жарчи, мунший, туғбеги, қурчибоши, баковул, фаррош кабилар ва уларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳукуқ ва вазифа- лари ҳақида дикқатга молик маълумотлар учратамиз. Шайбо- нийлар қўшини эса Ҳофизи Таниш Бухорий келтирган маълу- мотларга қараганда, отлиқ ва пиёда аскарлар, шунингдек ўзи- га хос замбаракчилар (пафтандозлар, манжаниқчилар, тош отувчилар) дан ташкил топган. Унииг асосини қисмини лашкар, яъни ҳарбий юриш олдидан вилоятлардап тўплападиган аскар- лар ташкил этган. Аскарлар, асосап, ўқ-ёй, нанза, қилич, гурзи ва нарвонлар билан қуролланган. XVI аср ўрталарига келиб шайбонийлар қўшинида асосан хорижий мамлакатлардан кел- тирилган пилта милтиқлар ва кичик замбараклар пайдо бўлди.

Асарда мамлакатда XVI асрда, айниқса уининг иккинчи яр- мидан бошлаб илм-фан ва маданият ҳам бир қадар ривожлаи- ганлигини кўрсатувчин маълумотлар бор. Фан ва маданият ай- ниқса хонлик пойтахти бўлмиш Бухорода равнақ топди. Бирин- чидан, Абдуллахон даврида шаҳар атрофидаги, ундал таҳминан бир фарсах (6—7 км) масофада бўлган Сумитон (Жуйбор) қишлоғини ҳам шаҳарга қўшиб, уининг жануби-гарбий тарафи- да янгидан девор олинди. Ана ўша Сумитонда, Жуйбор хожа- ларининг бобокалони Абубакр Саъд мақбараси атрофифа мачиг, мадрдса ва хондқоҳ

бино қилинди, бинолар геварагида эса яиройли чорбог бунёд этилди. Сумитондан то шаҳар маркази- ■тacha кенг хиёбон чиқарилиб, унинг икки тарафига анвойи да-

рахтлар ўтқазилди. «Шарафномайи шоҳий» муаллифининг гу- воҳлик беришича, Сумитонни шаҳарга қўшиб олиш ва уни обод қилиш ишлари, Бухоронинг ҳам обод бўлиши қарийб ўн йил ,_(1559—1568) давом қилган («Шарафномайи шоҳий», 1-жилд, 279—280-бетлар). Бундан ташқари, Абдуллаҳои II даврида фақат Бухоронинг ўзида бир эмас, балки тўртта младраса (Абдуллаҳон, Гавқашон, Фатхулла қушбеги, Хожа Муҳаммад .Порсо мадрасаси), янги Чорсу (1570 йили), Кармина яқинида Зарафшон устига кўприк (1582) қурилди. Шаадр марказида қурилган Абдуллаҳон тими деб аталган усти ёпиқ бозор эса нафақат Мовароуннахрда, балки бутун жаҳонда машҳур бўлди. .Масжид, мадраса, карвонсарой, ҳаммом ва бошқа олий бино-¹лар Самарқанд, Тошкент ва Балх сингари катта шаҳарларда ҳам қурилди. Қарvon йўллари устида эса кўприклар, сардоба- лар қурилди; Вахш, Зарафшон ва Жайхундан нахрлар чиқа- рилиб, кўплаб қишлоқ ва шаҳарлар сероб қилинди. Асарда нафақат Бухоро, Самарқанд ва Балх шаҳарлари, балки Тош- кент, Термиз, Кўлоб, Ҳирот шаҳарлари ҳақида ҳам эътиборга сазовор фактли маълумотлар бор.

Бу ўринда ҳижрий 966-976 (1559—1571) йиллари Абдулла- хон II тарафидан Бухорага яқин Сумитон қишилогида қурдир- тирилган мадраса, масжид, хонақоҳ ва бошқа имораглар ҳақи- да келтирилган маълумот диққатга сазовардир. Асарда бу ҳақ- да, масалан, мана буларни ўқиймиз: «Тангри таолоиилг қўллаб- қувватлаши билан хонлик курсиси ва жаҳондорлик мансаби соҳибқирон ҳазратларига қарор топиб, кунлар саҳни ул ҳазрат- нинг адолат нурлари ва марҳамаг асарлари билан безалгач, ўзи- дан кейин нодир нишоналар, яхши ном ва эсдаликлар қолди- ришни истади... Халқ муктадосининг (хожа Муҳаммад Ислом- нинг—Б. А.) улуғ боболари имом Абубакр Саъдаипг⁴ нурлари файзли мозори ёнида хонақоҳ, масжид, мадраса

⁴ Абубакр Саъд — сомонийлар даврида ўтган нуфузли дин арбоби (970 йили вафот этган).

на бошқа алий бинолар қуриб, атрофини ажойиб ва зебо боғу бўстошхар билай безашни кўнгли саҳифасига ёзган эди. Шунинг учун тарих 966 йилда тажрибали муҳандислар, синчков меъморлар вақт талеъи- ни аниқлаб, бино вақтини белгиладилар... Йиллар, ойлар ва қунлар ўтиб, андак замонда, тахминан ўн йил ичада, шундай бир (муҳташам) бино... қурилиб битдик, каримлар ҳиммати- нинг фазоси каби кенг саҳнини турли мевали дараҳтдар билан безатдилар. Унинг ўртасига ғоят тоза ва тиниқликда офтоб чаш- маси каби ярақлаган кавсар мисол ҳовуз ҳам қурдилар. Ул кўн- гил очадиган бинолардан ҳар бири баланд пештоқларни ва кенг равоқларни ўз ичига олиб, кутли асар усталар, моҳир нақ-

қошлар уларнинг юзига олтин ва ҳал билан ажиб нақшлар солиб, бениҳоят латиф ва зебо қилиб турлича такаллуфлар би- лан, кошинлар билан безадилар. Олий масжидда беш вақт на- моз ўқилар эди. Ҳушвоз ҳофизлари Куръон оятларини оҳанг билан ўқишиларидан осмои авжида фаришталар рақсга тушар- дилар. Мадрасасида машхур олим ва фозиллардан бири муал- лимлик маснадида ўлтириб, диний ва дунёвий илмлардан даре берарди...

У ерда таълм олувчилик ҳам яхши маош билан таъмин этилиб, хотиржамлик билан илм мутолаа қилиш билан банд эдилар. Файзгоҳ хонақоҳнинг ходимлари ҳар куни мискин, етим ва есирга таом беришга аҳамият берардилар.

Нурлари файзли мазор ёнига комкор (Абдуллахон) учун олий жаннатнинг рашки келадиган бир чорбоғ ҳам қурдир- дилар. [Боғ ўртасига], Чин нақшонаси тақлидида бир бино қ.ур- дирдиларки, олам пайдо бўлгандан бери унга ўхшашини ҳеч ким кўрмаган...

Шаҳар дарвозасидан то ўша боғгача бўлган тахминан биз фарсах масофада, йўлнинг икки тарафига иккита ариқ қазди- лар ва унинг четларига дараҳт ўтқаздилар;

■ Хон ҳазратларининг аркони давлати ва аъёнлари, хусусан ўша пайтда олий муҳрдорлик мансабида бўлган амир Халифа мазкур иморатларни битиришда

тамом эҳтимом кўрсатди. Иқ-тидорли амир Жонкелдибий, эътиборли амирзода Валижон мирзо ҳамда амир Жултойбий боғу гулзорларни файз асар ма-зсрнинг атрофига тартиб, зийнат ва такаллуф билан эқдилар* Бинолар ва бок ҳазрат соҳибқироннинг қуввати ва олий ҳим-мати орқасида қисқа вақт ичида тамом битказилиб, басийрат аҳлининг кимё асар назарига мақбул бўлди...»

Хонлик шаҳарларида илм-фан, адабиёт ва китоб санъати ҳам ривож топди. Биз сўз юритаётган «Шарафномайи шоҳийэ 'ҳам ибн Араб Муҳаммад қатағоннинг «Мусаххир ал-би* лод», Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлимэ каби қимматли тарихий асарлари, Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро», «Нус-хайи зебойи Жаҳонгир» биографик асарлари каби Абдуллахон даврининг маҳсулидир. Асарда Бухорда яшаб ижод этгаа Мушфиқний, Низом Муаммоий, Муҳаммад Дарвиш Охунд, Қози Поянда Зоминий, мулла Амир Муҳаммад Амин Зоҳид, мавлоно Абдулҳаким каби кўплаб илоҳиёт олимлари, табиблар ва шоир-лар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шунингдек, ўзига хос хат-тотлик ва нақошлиқ мактаби шакллангани ҳақида ҳам муҳим далиллар бор. Ҳофизи Таниш Бухорий машҳур Султон Али Машҳадий, Маҳмуд ибн Исҳоқ аш-Шаҳобий, Дарвиш Муҳаммад Бухорий, мавлоно Маҳмуд Музахҳиб, Жалолиддин Юсуф, Муҳаммад Мурод Самарқандий каби жуда кўп намояндалар-ning номини ҳам тилга олнб ўтган.

Асарда Бухоро хоплигииинг Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Қош-ғар, Русия ва бошқа мамлакатлар билан XVI асрда олиб бор-ган элчилик, савдо ва маданий алоқалари ҳақида ҳам илм-фан

учун ўта муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумотлар орасида Бухоро хонлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги 1572—1573, 1577, 1578, 1586 йиллари элчилик алмашинуви, 1583 йили Бухоро элчисининг Москвадан қайтиб келиши, 1584 йили Шарқий Туркистон, Мўғулистон, Хоразм ва Эрон элчиларининг Бу-хорога келиши, туркиялик мерган ўқчиларнинг шайбонийлар қўшинида хизмат қилиши, Бухорода фаолият кўрсатиб[^] турган ҳинд савдогарлари уюшмаси ҳақидаги тафсилотлар зўр қим-матга эга.

Умуман, «Шарафномайи шоҳий» да келтирилган бу ва бошқа маълумотлар Бухоро хонлигининг ташқи сиесатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

«Шарафномайи шоҳий» муаллифи мусулмон руҳонийлари- нинг, масалан, Мовароуннахр ва Хурросонда жуйборий хожа- ларнинг, Бадахшонда Шайх Ҳалиллурлоҳнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақида ҳам му- ҳим маълумотлар келтирган. Маълумотлар Абдуллахон ва унинг давлати тепасида турғанлар ана шу улкан давлатни бошқа- ришда хожа Муҳаммад Ислом ва хожа Саъд каби йирик ру- ҳоний намояндадарнинг кўмагига, қўллаб-қўлтиқлашига су- янганликларини яққол кўрсатади.

Ҳофизи Таниш Бухорийнинг бу асарида Мовароуннахр ва унинг ҳудудларида, шунингдек Жанубий Туркистонда XVI аср- да истиқомат қилган турк-мўғул қабилалари: жалоир, найман, қорлиқ, қипчоқ, қатағон, ўтарчи, беш юз, шақоқу, кулош оёни, кероит, олчин, минг, баҳрин, уйғур, қанғли, қўнғирот, дўрмон, қўшчи, можор, уйшун, чашму абру, булачи, аргин, ёбу, кена- гас, манғит, тубани, нукуз, қиёт, бошқирд қабилар ҳақида ҳам фавқулодда муҳим маълумотлар келтирилади. Бу маълумог- лар нафакат ўша қавмлар тарихини, балки ўзбек халқининг этник тарихинн ўрганишда ҳам муҳимдир. Бундан ташқари, хон ва султонларга ҳадя, тортиқ қилиш (ҳар бир нарсадан тўққиз нафардан) тартиби, одамлар орасида амалда бўлган одатлар ҳақида ҳам қизиқ фактлар бор.

«Шарафномайи шоҳий» тарихий асар бўлиш билан бирга, XV—XVI асрга хос бадиий асар ҳамдир.

«Шарафномайи шоҳий» нинг қўлёзма нусхалари кўп. Унинг яхши нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Боку, Қозон ва Душанбе кутубхоналарида, шунингдек Англия, Ҳиндистон қу- тубхоналарида сақланади.

Афсуски, бу бебаҳо асар ҳанузгача (кейинги йилларда асарнинг рус тилидаги нашри устида Санкт-Петербурглик шарқшунос олима М.А.Салоҳиддинова катта иш олиб боряпти. Унинг биринчи жилди 1983

йили Москвада чоп этилди) ўзбек ёки бошқа биронта Европа тилида тўлиқ нашр қилинмаган. И.И.Умняковнинг айтишича, «Абдулланома» XX аср бошларида Л.А.Зимин томонидан рус тилига таржима қилина бошланган ва қисман 1918 йили Тошкентда босилган. Лекин Л.А.Зиминнинг тез орада Ўзбекистондан кетиб қолиши билан иш тўхтаб қолган. И.И.Умняков Л.А.Зимин таржимаси «Абдулланома»нинг учта нусхасига ва ўша даврга оид бошқа қўлёзмаларга, хусусан, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асор фиманоқиб ул-аҳёр» деган қимматли асарига қиёсий солишириш асосида бажарилганлигини ҳам айтади. В.В.Бартольд 1924 йилда Бокуда бўлганида Л.А.Зимин таржимаси ва «Абдулланома» ҳақидаги бошка материалларни тўплаб, нашр қилиш зуурлигини айтган эди. Афсуски, бу иш бажарилмай қолди. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти 1950 йилдан бошлаб Осиё тарихига оид муҳим асарларини ўзбек ва рус тилларида нашр қилишга киришди. Шу ўтган давр ичida улардан баъзилари босилиб чиқди. Аммо нашр қилинган бу асарларнинг ҳаммаси, асосан, Аштарахонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган (1602-1753) ва қисман Темурийларга оидdir. Маълумки, Ўрта Осиёning Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даври (1500-1602) даги ижтимоий ва сиёсий ҳаёти кам ёритилган. Бу, албатта, турли шаҳарлар ва мамлакатларнинг қўлёзма фондларида сақланаётган XVI асрга оид тарихий манбаларнинг нашр қилинмай келинаётганлиги сабаблидир. «Тарихи гузидайи нусратнома» (муаллифи номаълум), «Шайбонийнома» (Камолиддин Биноий) ва «Меҳмонномайи Бухоро» (Фазлуллоҳ ибн Рузбехон), шунингдек, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдулланома» асари шу даврга оид қимматли манбалардандир. Буларнинг айримлари ўзбек ва рус тилларида нашрга тайёрлаш ишлари эндиғина бошланди.

1р ва унинг муаллиф ҳақида бир неча сўз айтиб ўтмоқчимиз.

«Абдулланома» асосан Абдуллахон II нинг туғилган йили (940/1533-34) дан то 997/1588-89 йилгача Ўрта Осиё, Қозоғистон ва қисман Афғонистон ва Хурросонда бўлган сиёсий воқеаларни ўз ичига олади. Асарнинг қарийб 46 варагдан иборат муқаддимаси илгари ёзилган бошқа асарлар асосида тузилган бўлиб, унда Абдуллахоннинг насаби, XV ва XVI асрнинг биринчи чорагида Мўғулистанда бўлган сиёсий аҳвол қисқача баён қилинади. Муаллиф ўзидан илгари ўтган машҳур тарихчилар: Рашидиддин, Мирхонд, Шарафиддин Али Яздий ва Абулҳасан Нишопурий асарларига таянганини очик айтади. Ундан ташқари, Наршахийнинг машҳур «Тарихи Бухоро», Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушойи», Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» ва Кошифийнинг «Рашаҳоту айн ул-хаёт» ва бошқа асарларидан ҳам фойдаланган.

Хофиз Таниш Бухорий дастлаб ўз асарини икки қисм (мақола)дан иборат қилиб тузмоқчи бўлган. Биринчи мақолада Абдуллахоннинг тарихи, иккинчи мақолада эса хоннинг олижаноб фазилатлари, унинг даврида яшаган шайхлар, вазирлар, олим ва шоирларнинг тафсилотини баён қилмоқчи бўлган. Лекин асарнинг иккинчи қисми ёзилмай қолган. Фикримизча, Абдуллахон вафотидан кейинроқ мамлакатда бошланган ур-йиқитлар асарни тамомлашга имкон бермаган.

Маълумки, отаси ўрнига тахтга чиқсан Абдулмўмин султон (1598) мамлакатни қатағон қилди, отасига яқин ва содик кишиларни ўлдиртирди, кўпларни эса қувғин остига олди.

«Тарихи Муқимхоний» асарининг муаллифи Муҳаммад Юсуф мунший унинг тахтга чиқишини ҳеч ким истамаганлиги, лекин жоҳиллигидан қўрқибгина уни тахтга ўтқазганликларини айтади. Яна шу муаллифнинг ёзишича, Абдулмўмин мамлакатдаги барча машҳур кишиларни ўлдиришга қасд қилган. Ҳатто, ўз қариндошларининг ҳам қонини тўқди. Бу жиҳатдан

Абдуллахоннинг эмишган иниси ва унинг энг яқин кишиларидан бўлган Қулбобо кўкалтошнинг сўнгги тақдири диққатга сазовордир. У ҳам Абдулмўмин ўтказган қатағоннинг қурбони бўлди, яъни 1598 йилда унинг буйруғи гбилан қатл қилинди. Қулбобо кўкалтош ўқимишли ва маданиятли киши бўлиб, шоирликда ҳам ном чиқарган, уламо, фозил кишилар ва рларга ҳомийлик қилган эди. У қатл этилгач, бу олим ва шоирлар, шулар қаторида унинг энг яқин кишиларидан бўлган Ҳофиз Таниш Бухорий ҳам қўрқиб, бошқа томонларга қочиб кетишга мажбур бўлганлар.

Асарнинг қиммати шундаки, муаллиф кўп воқеаларни унинг гувоҳи бўлган кишилар оғзидан ёзиб олган, кўпларига эса ўзи шоҳиддир. У 955/1551 йили Наврўз Аҳмад (Бароқхон) билан Абдуллахон ўртасида Косон ёнида бўлган жангни тасвирлар экан, буни «ўша воқеа устида бўлган ва (бу жангни) ўз кўзи билан курган бир гуруҳ кишидан эшитдим»..., деб ёzádi. Абдуллахоннинг Султон Саъидхон ва Наврўз Аҳмад (Бароқхон)нинг ўғли Дўстим султон билан 1554 йилда Фараб яқинида бўлган жангни тафсилоти ҳам бошқа кишиларнинг берган маълумотлари асосида баён қилинган: «Шу сатрларнинг муаллифи ул ҳазратнинг (Абдуллахоннинг) эски паҳлавонларидан бўлган мулло Келдишдан шуни (ҳам) эшитган эдик...». Бундай фактларни истаганча келтириш мумкин.

«Шарафномайи шоҳий»нинг ёзила бошланган ва тамомланган йили ҳақида ҳам турлича фикрлар мавжуд. Л.А.Зимин асарнинг тамом ёзиб бўлинган йили деб ҳижрий 996/1587-88 йилни олади. Муқаддимада келтирилган қўйидаги манзум тарих асарнинг ёзилган йилини очиқ кўрсатади:

Ин «Шарафнома» кеш аз гояти ташрифи ҳабул, Шараф аз номи шаҳаншоҳ, фалак ҷадар фузуд. Чэ ажаб, к-аз пеш пайвастани тариху номаш Ҳомайи таҳрир «Шарафномайи шоҳий» фармуд,

Таржимаси:

Бу шундай «Шарафнома»ки, (ҳаммага) юят маҳбул бўлганидан, Фалак қадар (улуге) шаҳанишоҳ (Абдуллахон) номидек шараф орттириди. Не таажужубки, унинг тамом бўлиши тарихи ва номини Тацрир ҳалами «Шарафномайи шоҳий» деб атади.

Бу ерда «Шарафномайи шоҳий» сўзларидағи ҳарфлар ҳижрий 992/1584 йилни келтириб чиқаради. Лекин асар 996/1587-88 ва ундан кейинги йиллардаги воқеаларни ҳам ўз ичига олган. Шунинг учун ҳам «Абдулланома» 1005/1596 ёки ундан кейинги йилларда тамомланган деб айтиш мумкин.

Асарнинг муаллифи ҳақида кам маълумотга)из. Бу ерда унинг ўз замонасининг ет} шоирларидан бўлганлигини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Ҳофиз Таниш Бухорий «Наҳлий» ва «Киромий» тахаллуслари билан ҳам машҳурдир. У асли бухоролик бўлиб, илмнинг кўп соҳаларини эгаллаган ва замонасининг етук олимларидан бўлган. Ўзининг сўзларига қараганда, мазкур асарни ёза бошлаган вақтда у 36 ёшда, баъзи маълумотларга Караганда эса 33 ёшда бўлган, Маълумки, Бухоро Абдуллахон томонидан 1557 йили олинди. Лекин Мовароуннахр фақат XVI асрнинг 80-йил бошларидагина батамом Абдуллахон қўлига ўтди. Агар унинг Абдуллахон хизматига кирган йилини 993/1585 йил деб ҳисобласак, у 1549 йили туғилган бўлади. Унинг отаси мавлоно Мир Муҳаммад Убайдуллахон замонида (1533-1539) Бухорода истиқомат қилган ва хонга яқин кишилардан бўлган. XVI асрда Ўрта Осиёning сиёсий ҳаётида катта роль ўйнаган шайхлардан Хожа Жалолуддин Косоний (Махдуми Аъзам)нинг мақоматида қўрсатилишича, у XVI асрнинг 50йилларида Кошғарга кетиб қолган ва орадан икки ўтгач, ўша ерда вафот этган. Ҳофиз Танишнинг қачон вафот қилганлиги ҳам маълум эмас. Лекин унинг Абдуллахон вафоти (1006/1598)дан сўнг Аштархонийлар сулоласидан бўлган Имомқулихон (1611-1642)

саройида яшаганлиги ва унга атаб 7200 мисрадан ортиқ шеър ёзганлиги ҳам маълум. Марҳум Ибодулла Одилов (1872-1944) Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Имомқулинома» деган шеърий асар ёзганлигини айтади. Аммо бу асар «Сұхайлий» гахаллуси билан машҳур бўлган шоир томониан ёзилгани маълум.

Ҳофиз Таниш тўғрисидаги сўнгги маълумот унинг Назар девонбени томонидан Бухорода қурилган бир масжид ҳақида ёзган мана бу тарихда учрайди:

*Баногоҳ баржасту бо сад забон
«Мсищаллайи машойих» рацам зад қалам.*

Таржимаси:

*Ногоҳ қаддини ростладиу, бурро тил билан
«Машойихлар макони» деб езди қалам.*

Шеърдаги «маҳаллайи машойих» сўзидағи Ҳарфларни абжад йўли билан ҳисобласак, тарихи 1029/1619-20 йил келиб чиқади. Наҳлий ҳаётининг сўнгги йилларида Имомқулихон курган бинолардан бирига атаб ёзган қасидаларидан бирида ҳам қўйидаги манзум тарихин экан:

Чист тарихи. ин хужастафиишон?

Гуфт: «Ойинайи беҳишти барин».

Таржимаси:

(Сўради) ул қутли биноннинг тарихи недур? Дедики, олий (маҳом) жаннатнинг ойнасидир.

Ундаги «ойинайи беҳишти барин» сўзларидаги тарих 1045/1635-36 йилни келтириб чиқаради. Демак, у XVII асрнинг 30-40 йиллари орасида вафот қилган, деган хulosага келиши мумкин.

Унинг шеърлари нафис ва сермазмун ғазаллар, қасидалардан иборат бўлиб, катта бир девонни ташкил қиласи (ЎзФАШИ қўлёзмаси, №134). Ҳофиз Таниш Бухорий шеърлари талайгина мажмуалар, баёзларда ҳам учрайди.

«Тарихи Муқимхоний»нинг муаллифи Наҳлийнинг Имомкулихонга жуда яқин кишилардан бири бўлганлиги ва унинг шаънига айтган мана бу бир мисра шеъри учун хон унга ўзининг оғирлигига олтин тортиқ қилганлигини ҳикоя қиласди.

У гуфт: Тури Синоро яди байзо дамгар, Хамчу хуршид ба хоки сияҳ афшонд зар.

Таржимаси:

Цеди: Сино тогида ярацлаган цўл

Қуёш каби цора тупроща олтинлар сочди³⁴.

Бу, албатта, муболаға бўлса керак, чунки хоннинг одам оғирлигига олтин тортиқ қилишига ишониш қийин. Ҳар ҳолда, у хондан кат-та инъом олган бўлиши керак.

«Шарафномайи шоҳий»нинг қўлёзма нусхалари мамлакатимиз ва чет элдаги шарқ қўлёзмалари сақланаётган бир талай кутубхоналарда мавжуд.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида унинг икки нусхаси мавжуд. Булардан бири (№ 2207, 356 варақ, хати настълиқ) XVI асрда кўчирилган. Иккинчиси (№3781/II, 167 варақ, хати настълиқ) эса қисқартириб таҳрир қилинган нусха бўлиб, XIX асрда кўчирилган ва «Абдулланома», баъзан эса «Зафарномайи Абдуллахон» деб аталган. Санкт-Петербургда бу асарнинг учта нусхаси мавжуд бўлиб, бири Россия Фанлар академияси Осиё халқлари институтининг Санкт-Петербург бўлимида (Д -88, 495 варақ, хати настълиқ) сақланмоқда. Бу нусха қўлёзмалар муфассалидир. Лекин унинг ким томонидан кўчирилганлиги ва кўчирилган вақти кўрсатилмаган. Шу институтнинг илмий ходими М.А.Салоҳиддинованинг фикрича, у 1065/1654-55 йилга қадар кўчирилган. Лекин, мана шу қўлёзмадаги айрим белгиларга қараб, у бундан анча илгари, тахминан 20-25 йил бурун кўчирилганлигини аниқлаш мумкин.

Муқованинг ички томонидан бундай деб ёзилган: «Ҳаза китоби ҳадъя Мұхаммадёр оталиқ» (Бу китоб Мұхаммадёр оталиққа ҳадя қилинган эди). Мазкур жумланинг остида эса 1045/1635 йил ёзилган. Демак, бу нусха энг аввал қўчирилган нусхалардан ҳисобланади. М.Е.Салтиков-Шчедрин номли халқ кутубхонаси (Санкт-Петербург)да асарнинг қисқартириб таҳрир этилган яна бир нусхаси (ПНС-205, 350 варак) бор. Лекин бу қисқартириш жуда кўп ҳадис ва оятлар, шунингдек, айрим шеърлар ҳисобига бўлган. Ундан ташқари, Жўйборий хожалардан Хожа Мұхаммад Ислом ҳақидаги айрим қисмлар ҳам тушириб қолдирилган. Бу нусха 1241 йилнинг рамазон ойи (1826, апрель)да Душанба қўрғонида қўчирилган. Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган яна бир нусха (В-685, 101 варак) «Мақолайи дуввум аз «Шарафномайи шоҳий» деб аталган ва муаллифнинг ўз қўли билан ёзилган бўлиши эҳтимол. Бу китобнинг тугатибоқ иккинчи қисмни ёзишга киришганлигини айтади. Лекин бу асар муқаддиманинг кенгайтирилган варианти бўлиб, унда, асосан, илгари ўтган халқлар тўғрисидаги тарихий асарларни тузишлари баён қилинади.

«Шарафномайи шоҳий»нинг Боку ва Душанбада сақланаётган нусхалари ҳам мукаммалдир. Лекин Боку нусхасининг афзал томони шундаки, унинг бош қисмига номаълум муаллиф томонидан ёзилган мустақил бир тарихий асар қўшиб қўйилган. 104 варакдан иборат бўлган бу асар Шайбонийлар тарихи, Абдулхайрхоннинг ўғли Шайх Ҳайдархон даври (XV асрнинг 70-йиллари)дан то Мұхаммад Шайбонийхоннинг Самарқандни босиб олиши (1501) гача бўлган даврни ўз ичига олади. Унда Абулхайрхон вафотидан кейин кўчманчи ўзбеклар давлатида кучайиб кетган ўзаро феодал кураш, Шайбонийхон ва унинг атрофида кучайиб кетган ўзаро феодал

кураш, Шайбонийхон ва унинг атрофига тўпланган бошқа ўзбек сultonларининг Дасти Қипчоқ, Туркистонда Абулхайрхон давлатининг душманлари билан олиб борган жанглари, ўша йиллари кўчманчи ўзбеклар билан Темурийлар (Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд) ўртасидаги ўзаро сиёсий муносабатлар ва ниҳоят, Ўрта Осиёning кўчманчи ўзбеклар хужуми арафасидаги сиёсий аҳволи батафсил баён қилинган. Лекин чукурроқ текшириш натижасида бу қўлёзма асар Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» асарининг тўлиқ нусхаси эканлиги аниқланди. Бу нусха Муҳаммад Ғани томонидан 1296/1878-79 йилда кўчирилган.

Тожикистон Фанлар академияси Шарқ қўлёзмалари бўлимида ҳам бу асарнинг бир неча нусхаси сақланмоқда. Булардан фақат биттасигина тўла бўлиб, қолганлари асарнинг қисқа вариантларидир. Бу нусхани ҳам XIX асрнинг охирида номи юқорида тилга олинган Муҳаммад Ғани Бухорода кўчирилган.

«Абдулланома»нинг нусхалари Британия музейи (Англия)да ва Эронда ҳам борлиги маълум. Британия музейидаги нусха ҳам Боку, Душанба ва Санкт-Петербургдаги нусхалардек мукаммал бўлиб, 1236 йилнинг 19 жумодил аввал ойи (1824 йил 22 январ)да қатағон қабиласидан бўлган мирза Кўшмуҳаммад ибн Тошмуҳаммадбий томонидан кўчирилган. Асарнинг Эрондаги иккита нусхаси (XVIII асрда кўчирилган) тўлиқ эмасдир.

«Шарафномайи шохий» қофиялашган наср (саж) билан ёзилган бўлиб, тили услуби ниҳоятда оғир. Асар ўхшатиш, истиораларга жу- да бойдир.

Масалан: «...ҳар бири қоронғу кечада жон оловчи ўқ билан чумоли(нинг) кўзини ва илон(нинг) кўксини уриб тешадиган, яшин нишонли найзаси(нинг) шуъласи билан душманларнинг оташдонига олов ёқадиган бир туда (лашкар) билан жанг бошладилар. (Мисра): Ноғоранинг (кучли) овозидан осмон ҳушсиз бў- либ қолди. Ва

фалак чархи юлдузни пахта қилиб қулоғига тиқди». «Шу сабабдан, аркони давлат ва (аъло) ҳазратнинг (бошқа) аъёнлари нард ўйинини тўхтатдилар ва уруш палосини йиғиштириб, қўлини жангут жадалдан тортдилар»⁵⁴. «Душманнинг барча сипоҳийлари бирдан учқур ўқ қушларини камон инидан учирив юбордилар... шундай ўқ уздиларки, қўрқувдан қуёшнинг юзи сарғайиб, (ўзининг) сувдаги аксига ўхшаб қолди». «Иккинчи куни юлдуз қўшинли подшоҳ (яъни қуёш) кўм-кўк осмон майдонида чопоғон аблакни жавлон урдириб, занги сипоҳини (кеча қоронғулигини) беркитиб, зарнишон найзасини қўлга олганда (тонг отганда) Бобо султон жанг ноғорасини уриб, фитна ва низо учун кўтарилиді». «...найзаларнинг тирноклари (душманнинг) томир торларидан ҳазин нолалар чиқарди».

Бирор кишини «ўлди», «вафот этди» демоқчи бўлса, бу фикрни мана бундай сўзлар билан ифода қиласи: «...унинг буюклиқ ва улуғлик офтоби... (ўзининг) махфий пардасидан чиқди; (афсуски) кўп ўтмай унинг умид ва орзулари фалокат офтобининг шаҳодат мағрибиға ботди».

«Нажми (соний)нинг толеъ юлдузи куйди ва (у) ўша жангда бошини ерта қўйди». «(Унинг) кимёсифат зотлари ўзининг дилкаш Кармина шаҳрида тан қафасидан парвоз қилди» .

Ундан ташқари, бу асарда турли оят, ҳадис ҳамда араб иборалари ҳам кўп учрайди. Муаллиф воқеаларни наср ва назм билан берган. Бу шеърлар, рубоийлар, махсус иккилиқ ва тўртлик байтлар, маснавий, қитъалар ва марсиялардан иборат. Бу шеърларнинг кўпчилиги Ҳофиз Таниш Бухорийники бўлиб, зўр маҳорат билан ёзилган, бадиий жиҳатдан юксакдир. Фақат бир жойда у ўз замондоши шоир Мушфиқийнинг Абдуллахон Бухорони олган йили (1557) унинг шаънига айтган бир шеърини мисол қилиб келтиради ва уни «ўз тенгдошларидан мумтоз ва мустасно» шоир,

деб атайди.

Биз бу ерда асарнинг мазмунига .батафсил тўхтаб ўтирмаймиз, воқеаларнинг айрим ва энг муҳимларинигина баён этамиз.

XVI асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик ва ички зиддият ниҳоят авж олди. Бу ҳол Убайдуллахон вафот этгандан (945/1538 39) сўнг яна ҳам кучайиб кетди. Кўчкинчихоннинг ўғли Абдуллахон I нинг ҳукмронлиги олти ойдан (1539-40) ошмади. Унинг вафотидан сўнг мамлакатда қўшҳокимлик ҳукм сурди: Бухорода Убайдуллахоннинг ўғли Абдулазизхон (1540-1550), Самарқандда эса Кўчкинчихоннинг учинчи ўғли Абдуллатиф ҳокимиятни қўлга олди. Шу йиллари Шайбоний -султонлар ва феодалларнинг тожу тахт учун талашишлари шу қадар кучайдики, на Абдулазиз ва на Абдуллатиф кун сайин олишга ва феодалларнинг бошбошдоқлик ҳаракатига барҳам беришга қодир бўлолмай қолдилар. Бу вақтда Тошкент ва Туркистонда Наврўз Аҳмад (Бароқхон), Кармина ва Миёнколда Абдуллахоннинг отаси Искандархон, Балхда⁶⁸ унинг амакиси Пирмуҳаммадхон, Насаф вилоятида Абдуллахоннинг амакиваччаси Қилич Қора султон, Ҳисор ва Бадаҳшонда Шайбонийхоннинг набираси Бурҳон султон ҳоким эдилар .

Абдулазизхон 957/1550 йили вафот этди. Лекин унинг ўринга хон қилиб кўтарилган Муҳаммадёр султон ҳокимиятни қўлда тутиб қололмади. Ўша йилиёқ Бухоро тахтини Пирмуҳаммадхон эгаллади. Лекин унинг ҳукмронлиги ҳам узоқса бормади. Орадан бир йил чамаси ўтгач, 958 /1551 йили Тошкент ҳокими Бароқхон ва Самарқанд ҳокими Абдуллатифхон иттифоқлашиб, Бухоро тахтини эгаллаш учун қўшин тортдилар. Шу кун лари Миёнкол вилоятида турган Рустамхон ўз ўғли Ўзбекхон билан Бухорога, Искандар султон бўлса Карминани ташлаб кетди ва Амударёдан ўтиб Андхуд ва Шибирғонга қараб қочди.

Пирмуҳаммадхон бўлса Бухорони Муҳаммадёр султонга топшириб, Балхга қайтди.

Бароқхон ва Абдуллатиф бошқа бир неча султон, хусусан, Султон Саъид, Муҳаммадёр султон ва Бурҳон султон билан иттифоқлашиб, Насаф, Кармина ва Миёнколни қўлга киритиш учун кураш бошладилар. Мана шундай оғир кунларда ёш Абдуллахон (у ўша вақтда 18 ёшда эди) Миёнкол қалъасини мустаҳкамлаб, иттифоқчиларга қарши курашди. Лекин 12 кун давом этган қамал сулҳ билан тугади.

Ҳижрий 958 959 йиллар давомида Абдуллахон Миёнколни қайтариб олиш учун харакат килди, лекин бу кураш бирор натижа бермагач, яна Балхга кетишга мажбур бўлди. Абдулла- хон 1551 1556 йилларда бир неча бор Амударёдан ўтди ва Мовароуннаҳрни қўлга киритишга уринди. Лекин Бароқхон уни ҳар гал мағлубиятга учратди. Абдуллахон фақат Бароқ- хон вафотидан (1556) сўнггина, оғир, қонли курашлардан кейин, ўз душманлари устидан ғалаба қилди ва Мовароуннаҳрни қисман бирлаштиришга муваффақ бўлди. Бу курашда ши- рин, қушчи, ўторчи, кенагас, беш юз (бу қабилани ҳозирча бошқа манбаларда учратмадик) жалоир, можор, ҳамда қипчоқ, минг, баҳрин ва бошқа кўчманчи ўзбек қабилалари, руҳонийлар, қўллаб-қувватладилар". Абдуллахоннинг бу ғалабасига Мовароуннаҳрдаги бошқа Шайбоний султонлар билан Наврӯз Аҳмадхон ва унинг авлодлари ўртасида .кучайиб кетган зиддиятлар ҳам ёрдам берди. Абдуллахон Бароқхоннинг ўғли Бобо султон билан Абдуллатифхоннинг ўғиллари Гадой султон ва Жувонмардалихон ўртасида Самарканд учун бошланиб кетган ўзаро уруш-жанжаллардан ҳам усталик билан фойдаланди. У Гадой султон ва Жувонмардалихон билан иттифоқлашиб, Бобо султон ва унга кўмакка келган Тошкент ҳокими Дарвишхонни Илонўтти мавзеида тор-мор келтирди. Бу ғалаба Абдуллахонга Насаф,

Чаҳоржуй ва Мовароуннахрнинг бошқа вилоятларини ҳам босиб олишга йўл очиб берди. 1557 йили Абдуллахон Бурҳон султон устидан ҳам ғалаба қилди, ва Бухорони қўлга киритди. 1567 йили Кеш вилояти, 1569 йили Самарканд, 1572 йили Балх ва Ҳисор, 1582 йили Тошкент, Сайрам, Туркис.тон, Фаргона, 1583 йили Хурросон, 1595 йили [Хоразм ҳам Абдуллахон кулига ўтди. Баъзи бир фикрларга Караганда, ҳарбий юришларида Абдуллахон амакиси Пирмуҳаммадхоннинг ёрдамига ҳам таянган. Лекин манбалардаги [маълумотлар бу фикрни тўлиқ тасдиқламайди.

Пирмуҳаммадхон ёш Абдуллахоннинг тобора кучайиб боришдан чўчиди ва унга қарши зимдан курашди. Буни қуидаги икки мисолда кўриш гумумкин. Пирмуҳаммадхон 1552 йили Абдуллахонни турли баҳоналар билан Балхда тутиб қолди, Насафни эса Ўзбек султонга инъом қилди. Лекин Абдуллахон яширинча Балхдан чиқди ва ўша йили Насафни олди. Тўғри, Наврўз Аҳмадхон Муҳаммадёр султон ва Бурҳон султон билан бирлашиб уни Насафда қамал килганда, Пирмуҳаммадхон Абдуллахонга ёрдамга келди, аммо қамал бартараф қилингач, Абдуллахоннинг бўлажак юришларида қатнашмай яна Балхга қайтиб кетди. Бароқхон эса бундан фойдаланиб Абдуллахонга қарши яна юборди ва уни Миёнколдан яна суриб чиқарди. Абдуллахон бу гал ҳам Балх томонга чекинишга мажбур бўлди. Бу ҳол Пирмуҳаммадхон билан Абдуллахон ўртасидаги зиддият келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу низо Бухоро олингандан кейин (1557) кимни хон қилиб кўтариш масаласида яна чуқурлашди.

Маълумки, Шайбонийлар ўртасидаги қоидага биноан шу хонадондан бўлган султонлар ичидаши улуғи хон кўтарилади. Шу вақтда улар вда энг каттаси Пирмуҳаммадхон эди. Лекит Абдуллахон Балх ҳокимлиги масаласидаги тортишувини баҳона қилиб, унинг номзодига қарши чиқди ва ўзи отасини тахтга

ўтқазди. Бунинг тафсилоти шундайки, Абдуллахон Пирмуҳаммадхоннинг таклифиға биноан, унга Мовароуннахрни топширишга, ўзи эса Балхга ҳоким бўлишга рози бўлган ва бу ҳақда ҳар икки ўртада аҳднома ҳам имзоланганди. Лекин Пирмуҳаммадхон ўз аҳдида турмади. Шундан кейин Абдуллахон ўз отасини Миёнколдан Бухорога олиб келди ва уни Мовароуннахрнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилди. «Шарафномайи шоҳий» муаллифининг қуидаги сўзлари диққатга сазовордир: «...Ўша вақтда хонлик ишлари ул ҳазратнинг (Абдуллахоннинг) амакиси Пирмуҳаммадхоннинг зиммасида бўлганлиги туфайли, хутба унинг номи билан ҳам безатилди... (лекин Абдуллахон) бу воқеани (унга) билдиришни кейинга сурди ва замон тақозосича, бу маънини (ҳам) қабул килмади».

Биз тўхтамоқчи бўлган мұхим масалалардан бири ўша йиллари ўзбек хонлари Туркия ўртасидаги муносабатдир. «Шарафномайи шоҳий»да бу муносабатларга оид айrim қимматлй маълумотларни учратамиз. Бунда турк султони Сулаймон I (1520-1566) билан ўзбек хони Наврӯз Аҳмад (Бароқхон) ўртасида Эрон шоҳи Таҳмосп I (1524-1576)га қарши иттифоқ тузилганлиги ва улар Сафавийлар Эронига қарши биргаликда қураш олиб боришга аҳд қилганликлари айтилган. Шунингдек, бундай иттифоқ Шайбонийхон билан турк султони Боязид II (899-918/1481-1512) ўртасида ҳам бўлган. Лекин Боязид II билан Шайбонийхон, Сулаймон I билан Бароқхон ўртасида бу ҳақда расмий шартнома имзолангандиги маълум эмас. Лекин Тошкентда ва Мовароуннахрнинг баъзи вилоятларида айrim турк ҳарбий қисмларининг жойлаштирилганлиги маълум шартномасиз бўлмаган, албатта. Туркия султонларининг бошқа ҳукуматлар билан олиб борган ёзишмалари тўпламида юқоридаги фикримизни тасдиқловчи қимматли маълумотлар бор. 920/1514-15 йили Убайдуллахоннинг элчиси амир Саъид Муҳаммад Туркияда

бўлган ва Султон Салим (1512 – 1520) билан музокаралар олиб борган; Султон Салймнинг элчиси Муҳаммадбек эса ўша йили Мовароуннаҳрга келган. Султон Салим ўз мактубида Убайдуллахонни «қизилбошларга» қарши курашишга чақиради. йўртасидаги можаролар диний никобга ўралган бўлиб, аслида эса Ғарбий Эрон, Кавказ ва Хурросон учун олиб борилган сиёсий кураш натижаси эди. Лекин бу муносабатлар Эрон, Кав- каз масаласи билангина чекланиб қолмаган. Туркия 1551 – 1557 йилларда Шайбонийларнинг ички курашларига ҳам актив аралашди. Турк аскарлари бу курашда Наврўз Аҳмадхон тарафида бўлдилар. Бу ҳақда турк манбаларининг бирида ишончли маълумотлар келтирилган: XVI асрнинг биринчи чорагида Тошкентда Наврўз Аҳмад (Бароқхон) хузурида 300 турк аскари хизмат қилганлиги, турклар ўзбек султонларини милтиқ ва ўқ-дори билан ҳам таъминлаб турганлиги айтилган. Ана шу турк аскарлари Бароқхон ва унинг ўғиллари, хусусан, Бобо султон тарафида туриб Насаф ёнида Абдуллахонга қарши жангларда қатнашдилар. «Шарафномайи шоҳий»да қуйидагиларни ўқиймиз: «...Бобо султон жанг ноғорасини уриб, фитна ва низо учун кўтарили; адоват отини жойидан силжитиб, уруш сафини безади. Румий, найзабоз, милтиқ отувчилардан бир қанча гурухга (лашкарнинг) ўнг қанотидан жой берди». Бундан ташқари, турк аскарларининг кўп сонли эканлиги, ҳатто, баъзи бир ўринда уларнинг аниқ сони кўрсатилади. Масалан, Ҳофиз Таниш Бухорий қуйидагича ҳикоя қиласи: «(Бурҳон султон) кўп халқ, сон-саноқсиз гурух (ва) икки мингга яқин румлик турк аскари билан қалъа томонидан Ҳожа Нақшбандий номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад Бухорийнинг файзасар мозори дарвозасидан (ташқарига) чиқди. Уларнинг (турк аскарларининг) ҳунари милтиқ отувчилик бўлиб, ҳар бири бу ишда шу қадар моҳир эдики, (ҳатто) қоронғу кечада (ҳам) ҳабашнинг

юзидағи (қора) холни милтиқ ўқи билан (бемалол) ура олар эди».

Үз-ўзидан кўриниб турибдики, Туркия ҳукумати Сафавийлар билан бўлган урушларда ўзбек хонларининг кучидан фойдаланиш учунгина эмас, балки Мовароуннаҳрда Туркияning сиёсий таъсирини кучайтириш мақсадида ҳам бу ички курашларда фаол қатнашдилар.

«Шарафномайи шоҳий»да бу курашда Мўғулистан хонлари ҳам иштирок этганликлари қўрсатиб ўтилган. Улар Наврӯз Аҳмад (Бароқ- хон), унинг ўғиллари ва Абдуллахонга қарши бўлган бошқа ўзбек султонларини (Султон Саъ-1532-33-1570-71 , 964/1556-57 йили Султон Саъидни қуроллантириб, катта қўшин билан Абдуллахонга қарши отлантирди ва ўша йилнинг кузида Самарканд эгаллади. Рашидхон бу билан Мовароуннаҳрда ўзининг сиёсий мавқеини мустаҳкамламоқчи бўлган, албатта.

Ҳофиз Таниш ўз асарида XVI асрнинг иккинчи ярмида Бобурийлар империяси (Хиндистон) билан Ўрта Осиё ўртасидаги сиёсий муносабатлар, шунингдек, Ўрта Осиё билан Россия ўртасидаги савдо муносабатларига оид айрим қимматли маълумотларни ҳам келтирган.

Ўша вақтларда Мовароуннаҳр (Абдуллахон) билан Бобурийларнинг подшоҳи Акбар (1556 1605) ўртасидаги сиёсий муносабатлар заминида, асосан, Бадахшон, Шимолий Афғонистон ва Хуросон учун кураш ётади. Абдуллахон ўша йиллари Балх ва Бадахшонни ўз қўлига киритиб, Кобилга ҳам таҳдид кила бошлади. Акбар эса 1583 йилда Синдни ва 1586 йилда Кашмирни босиб олиб ўзбеклар давлатининг жанубий чегараларига яқинлашди. Кейинчалик, Абдуллахон Акбаршоҳ билан битим тузиб ичкий феодал уруш-жанжаллар ва Туркия билан тўхтовсиз олиб борилган уруш туфайли кучсизланиб қолган Эронни ўзаро тақсимлаб олишга интилди. Акбар эса Балх ва

Бадахшонни, кул келса, Хуресон ва Мовароуннахри ҳам ўзига қаратиш ниятида эди. Биз бу масалаларга қисқача тўхтаб ўтамиз.

Абдуллахон 966/1558 59 йили Бадахшон». ҳокими Темурий шоҳ Сулаймон ва унинг ўғлиш Иброҳим мирзони Балх ёнида тор-мор қилди 980/1572 73 йилда эса шоҳ Сулаймон БалхЯ хукмдори Динмуҳаммад билан иттифоқ тузиб, я Абдуллахонга қарши уруш очди. Лекин бу гал ҳам Абдуллахон ғалаба қозонди. Шоҳ Сулаймон Я яна Бадахшонга қочиб кетди ва Акбаршоҳдан 1 ёрдам сўради. Акбар унга ҳарбий ёрдам ваъда я қилди . Абдуллахон эса бу иттифоққа йўл я қўймаслик мақсадида қатор тадбирлар кўра бошлости. Биринчидан, у ўша йили (ҳижрий 980) 1 Ҳиндистонга амир Олтмиш бошчилигига элчилар юбордилар. Лекин Акбар ўзбек хоқони билан дўстона муносабатлар ўрнатишга тайёр эканлиги тўғрисида қуруқ ваъда бериб, элчиларни қайтариб юборди. 985/1577 78 йили Абдуллахон Акбаршоҳ хузурига иккинчи марта амир Абдураҳимни элчи қилиб юборди. Бу гал тан олишни таклиф қилди. Лекин Акбар бунга рози бўлмади, чунки у бу вактда Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги мустақил князликлар: Синд ва Кашмирни босиб олиш учун ҳозирлик кўраётган эди. Келаси йили, яъни 986/1578-79 йили Самарқандга яқин бўлган Ипор қўриғидаги турган Акбаршоҳнинг элчиси мирзо Фўлод келди. Элчи Акбарнинг Эронни тақсимлаб олишга рози эмаслигини Абдуллахонга эҳтиёткорлик билан маълум қилди ва уни Бадахшонни босиб олишдан қайтаришга уриниб кўрди. Лекин, барibir, 992/1584 йили Абдуллахон Бадахшонда кучайиб кетган феодал ва тожу тахт учун курашдан фойдаланиб, уни босиб олди.

Акбаршоҳнинг бош муншийси Абулфазл Алломий «Макотиботи Алломий» («Иншойи Абулфазл») китобида 1586 1596 йилларда Мовароуннахр ва Ҳиндистон ўртасидаги сиёсий муносабатлар хусусида муҳим фактлар бор. Шунингдек, бу асарда Акбарнинг Абдуллахонга

